ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

«Адолат»
миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2021

УЎК: 342.8(083.132)
КБК: 67.400.5
С 22

С 22 **Сайлов қонунчилиги ва амалиёти бўйича ўқув-амалий қўлланма.** – Т.: «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази 2021 й. – 376. б.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низамходжаев, Давлат бошқаруви академияси ректори, профессор А.Бекмуродов ва Тошкент давлат юридик университети ректори, профессор Р.Ҳакимовларнинг умумий таҳрири остида.

Таҳрир ҳайъати:
Қ.Қуранбоев, А.Туляганов, Ж.Абдуллаев, М.Икрамов, Х.Маматов, Б.Юнусов, Х.Палуаниязов, А.Қодиров, Б.Алимов, Б.Мусаев.

ISBN 978-9943-7293-0-8 **УЎК: 342.8(083.132)**
КБК: 67.400.5

Тузувчилар: *Ш. Файзиев, Х. Мухамедов, А. Йўлдошев, Ш. Асадов, М. Баратов, И. Беков, Х. Хайитов, Ш. Якубов, С. Муратаев, Д. Бекчанов, Э. Қодиров, Ж. Нематов*

ISBN 978-9943-7293-0-8

© Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, 2021
© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021
© «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2021

Шавкат Асадов, *юридик фанлари доктори, профессор*

МАҲАЛЛИЙ КУЗАТУВЧИЛАР ВА ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Маҳаллий кузатувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Миллий сайлов қонун ҳужжатларида ва халқаро сайлов стандартларида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш босқичларида кузатувчилик институтининг ўрни беқиёс бўлиб, биринчидан, сайлов кампаниясининг очиқ ва ошкора ўтишига хизмат қилади, иккинчидан, сайлов комиссиялари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Маҳаллий кузатувчилар тегишли тартибда бериладиган мандатга биноан, сайлов участкаларида ҳозир бўладиган сиёсий партияларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакилларидир.

Сайлов жараёнларида, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кузатувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари билан боғлиқ масала жуда муҳим ҳисобланади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларида кузатувчи қатнашиш ҳуқуқига эга.

Кузатувнинг мақсади сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шу жумладан сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларида сайлов қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат.

Сайлов комиссиялари кузатувчини мандати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатига асосан рўйхатга олгандан кейин унга ўз ваколатларини тўлақонли ҳамда тўсқинликсиз амалга ошириши учун шароит яратиб беради.

Сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчиларнинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 951-сон қарори билан тасдиқланган Сиёсий

партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар тўғрисидаги низомда белгиланган.

Сайлов кодексининг 33-моддасида кузатувчилар сифатида қуйидагилар белгиланган:

«Сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, шунингдек, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ўз фаолиятини тегишли комиссиялар томонидан берилган мандатлар асосида амалга оширади».

Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 33-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кузатувчиларининг ҳуқуқий мақомини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тартибини белгилайди.

Биринчидан, сиёсий партия аъзоси ёки тарафдори ёхуд сиёсий партияга хайрихоҳ бўлган ҳар қандай Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароси сиёсий партиядан кузатувчи бўлиши мумкин, иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг ўринбосари, маслаҳатчиси, шунингдек, фуқаролар йиғини органларининг бошқа мансабдор шахслари кузатувчи бўлиб иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кузатувчиларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тартибига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Юқоридаги Низом талабларига кўра, кузатувчиларни расмийлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

– сиёсий партиянинг туман (шаҳар) ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, ушбу сиёсий партиядан кўрсатилган номзод рўйхатга олинган кундан бошлаб округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса, округ сайлов комиссияси тузилганидан кейин уларга ариза билан мурожаат қилади;

– аризага кузатувчиларнинг рўйхати (исми-фамилияси, лавозими, яшаш манзили ва телефон рақами кўрсатилган ҳолда), улар-

нинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхалари, 3х4 см ўлчамдаги икки дона фотосурат илова қилинади;

– сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз кузатувчилари тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловга камида ўн кун қолгунга қадар мурожаат қилиши мумкин;

– округ сайлов комиссияси сиёсий партия ташкилотининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризасини олгандан кейин беш кун ичида қарор қабул қилади ва кузатувчи учун мандат беради;

– мандатда сиёсий партияни бошқа сиёсий партиядан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан фарқлаш учун алоҳида белгилар (мандат ранги ёки бошқа) акс эттирилиши мумкин.

– сиёсий партия ташкилоти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари округ сайлов комиссиясидан мандатларни олгандан сўнг уларни кузатувчиларга етказилишини таъминлайди.

Бундан ташқари, кузатувчига қайси ҳолларда мандат бериш рад этилиши мумкинлиги алоҳида белгиланган. Агарда кузатувчига номзод 18 ёшга тўлмаган бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, сайловга ўн кундан кам муддат қолганда мурожаат этилса, тегишли сайлов округи бўйича сиёсий партиядан номзод рўйхатга олинмаган бўлса (сиёсий партиянинг кузатувчилари учун) ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлмаса (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг кузатувчилари учун), шунингдек, мазкур Низом талаблари асосида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ҳолларда мандат берилиши рад этилиши мумкин.

Шуни унутмаслик лозимки, кузатувчи сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, овоз бериш куни мандатни тақиб юриши шарт. Кузатувчининг ваколат муддати унга мандат берилган кундан бошланади ва сайлов якунлари расман эълон қилинган куни тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси ва Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 951-сон қарори билан тасдиқланган Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар тўғрисидаги низомда кузатувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган бўлиб,

сайловга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилишини кузатишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Кузатувчилар сайлов жараёнларида қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

– сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

– номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш;

– сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қутиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш;

– сайлов куни овоз бериш жараёнини кузатиш;

– муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараённи кузатиш;

– сайловчининг турган жойида унинг рухсати билан овоз бериш жараёнини кузатиш;

– овозлар санаб чиқилаётганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузилаётганда ҳозир бўлиш;

– сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;

– сайлов жараёни ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш (қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно);

– кузатув натижалари тўғрисида оммавий ахборот воситалари вакилларига мурожаат қилиш;

– округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссияларидан овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни қабул қилиб олиш ҳамда округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш жараёнида ҳозир бўлиш;

– ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида камида уч кун олдин участка сайлов комиссиясини хабардор қилиши;

– агар сайлов участкасида сайлов қонунчилиги талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса,

ўз кузатувлари тўғрисида ушбу участка сайлов комиссияси аъзоларига уларнинг ишига аралашмаган ҳолда маълум қилиш.

– сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳақида, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилиши бўйича ўз фикрини баён қилиш ҳуқуқига эга.

Сайлов қонунчилигида кузатувчилар ҳуқуқларининг алоҳида белгиланиши муҳим аҳамият касб этиб, сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнини тўлақонли кузатиш ва зарур маълумотларга эга бўлишини кафолатлайди.

Бундан ташқари, сайлов жараёнида кузатувчиларнинг ҳуқуқлари билан биргаликда уларнинг мажбуриятлари ҳам алоҳида белгиланган. Хусусан, кузатувчилар кузатиш ҳуқуқини қўлга киритганидан сўнг ўз фаолиятларида қуйидагиларга мажбурдирлар:

– ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Сайлов кодексига, Марказий сайлов комиссиясининг қарорларига амал қилиши;

– барча даражадаги сайлов комиссияларига, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ва бошқа ташкилотларга ташриф буюрганида унга берилган мандатни ҳамда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ёнида олиб юриши ҳамда мансабдор шахслар талабига мувофиқ уларни кўрсатиши;

– ўз хулосаларини шахсан ўтказилган кузатув ва ҳақиқий материаллар билан асослаши шарт.

Кузатувчиларга сайлов жараёнида қуйидагилар ман этилади:

– сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

– сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон бир ташвиқот материали ёки адабиётини тарқатиш;

– сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

– участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутилари муҳрланаётган, очилаётган, овозлар санаб чиқилаётганда аралашиш;

– сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси талабларига ва МСК ҳужжатларига риоя этмаган тақдирда, округ сайлов комиссияси унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиши мумкин. Кузатувчи сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичида судга шикоят қилиши мумкин. Кузатувчи шикоятни кўриб чиқишда бевосита иштирок этиши мумкин.

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари

Сиёсий партиялар ваколатли вакилларининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни ва Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 11 сентябрдаги 935-сон қарори билан тасдиқланган Сиёсий партиянинг ваколатли вакили тўғрисидаги низомда белгиланган.

Бугунги кунда юртимизда бешта сиёсий партия – «Миллий тикланиш» демократик партияси, Халқ демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси ва Экологик партия фаолият кўрсатмоқда.

Сиёсий партиялар ваколатли вакилининг асосий мақсади сиёсий партия сайлов комиссиясининг мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда, сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этишдан иборат. Сиёсий партия аъзоси ёки тарафдори ёхуд сиёсий партияга хайрихоҳ бўлган Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароси сиёсий партиянинг ваколатли вакили бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 34-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов комиссиясининг мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда, сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун ваколатли вакил тайинлашга ҳақли.

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, сиёсий партия томонидан берилган

ҳужжатни ва тегишли сайлов комиссиясининг мандатини ўз ёнида олиб юриши шарт.

Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 11 сентябрдаги 935-сон қарори билан тасдиқланган Сиёсий партиянинг ваколатли вакили тўғрисидаги низомда ваколатли вакилнинг Сайлов кодексида белгиланган йўналишларидаги фаолияти аниқлаштирилган.

Хусусан, мазкур Низомда ваколатли вакил тайинлаш ва уни рўйхатга олиш билан боғлиқ талаблар қуйидагича белгиланган:

– Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда иштирок этиш учун сиёсий партия юқори органининг раҳбари сайлов кампанияси бошланганлиги расман эълон қилинган кундан бошлаб беш кунлик муддатда ўз ваколатли вакилини тайинлайди ҳамда уни рўйхатдан ўтказиш учун Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатларни (мурожаатнома, номзоднинг паспорт нусхаси, 2 дона 3х4 ҳажмдаги фотосурати) тақдим этади.

– Марказий сайлов комиссияси сиёсий партия томонидан тавсия этилган ваколатли вакил номзодига тегишли хужжатларни кўриб чиқиб, уч кунлик муддатда уни рўйхатга олади ва белгиланган шаклда унга гувоҳнома (мандат)ни беради.

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиянинг ҳудудий органлари сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун сайлов участкалари тузилган кундан эътиборан ўз ваколатли вакилларини тайинлайди.

– Сиёсий партиянинг ҳудудий органи раҳбари сайловга камида ўн кун қолганида ариза билан тегишли сайлов комиссиясига сиёсий партиянинг ваколатли вакиллари рўйхатини (исми-фамилияси, лавозими, яшаш манзили ва телефон рақами кўрсатилган ҳолда) тақдим этади. Бунда ариза Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Президент сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиясига тақдим этилади;

– Аризага ваколатли вакилликка номзоднинг паспорт нусхаси, 2 дона 3х4 см ҳажмдаги фотосурати илова қилинади.

– Тегишли сайлов комиссияси сиёсий партиянинг ваколатли вакиллари рўйхати келиб тушган вақтдан бошлаб, беш кун ичида ваколатли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳнома (мандат)лар беради.

Бундан ташқари, Низомда ваколатли вакилга гувоҳнома (мандат) бериш рад этилиши мумкин бўлган ҳолатлар белгиланган:

– номзод 18 ёшга тўлмаган бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса;

– сайловга ўн кундан кам муддат қолганда мурожаат этилса;

– тегишли сайлов округи бўйича сиёсий партиядан номзод рўйхатга олинмаган бўлса (сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этадиган ваколатли вакилларга нисбатан қўлланилади);

– ваколатли вакилни рўйхатга олиш учун ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаса.

Сайлов жараёнларида ваколатли вакилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тўла амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Сиёсий партиянинг ваколатли вакили қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– сайлов комиссиясининг мажлисларида, сайлов комиссияларига ҳужжатларни, шу жумладан тўпланган имзо варақларини топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда, сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этишга;

– участка сайлов комиссиясининг баённомаси билан танишиш, шу жумладан участка сайлов комиссияси баённомасининг тасдиқланган кўчирма нусхасини олишга ҳақли.

Сиёсий партиянинг ваколатли вакили такрорий овоз бериш пайтида ҳам сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда ҳозир бўлиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сиёсий партиянинг ваколатли вакили ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида баъзи ҳаракатларни амалга ошириши ман этилган. Хусусан, сиёсий партиянинг ваколатли вакили участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутиларини муҳрлашга, очишга, овозларни санаб чиқишга аралашиши мумкин эмас, шунингдек, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, сиёсий партия томонидан берилган ҳужжатни ва тегишли сайлов комиссиясининг гувоҳномаси (мандати)ни ўз ёнида олиб юриши шарт.

Сайловга оид ҳужжатларда сиёсий партиянинг ваколатли вакили участка сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиши

мумкин. Ушбу қоида сиёсий партия ваколатли вакилининг сайлов жараёнларидаги фаолиятини кафолатлашга хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни ва Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 952-сон қарори билан тасдиқланган Сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, ОАВ вакиллари сайлов кампанияси даврида холис ахборотларни кенг, тезкор ва эркин тарқатиш, шунингдек, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этиши учун аккредитация қилинади. Аккредитациядан ўтган ОАВда қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади:

– сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш;

– сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

– сайлов комиссияларининг қарорлари нусхаларини ОАВда ёритиш учун олиш;

– номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш;

– муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараённи кузатиш;

– сайлов куни овоз бериш хоналарида, шу жумладан овозларни санаб чиқишда ҳозир бўлиш; сайлов жараёни ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш (қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно);

– сайловчининг турган жойида унинг рухсати билан овоз бериш жараёнида ҳозир бўлиш;

– округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссияларидан овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни қабул қилиб олиш ҳамда округ бўйича сайлов натижаларини аниқлашда ҳозир бўлиш;

– сайловга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилиши бўйича ўз фикрини баён қилиш ҳуқуқига эга.

ОАВ вакилига қуйидагилар ман этилади:

– конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи ахборотларни тарқатиш; сайловчиларга таъсир ўтказиш, қонунга хилоф равишда бирон бир ташвиқот материали ёки адабиётини тарқатиш;

– сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

– сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

– участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутилари муҳрланаётган, очилаётган, овозлар санаб чиқилаётганда аралашиш;

– сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш.

Назорат учун саволлар

1. Маҳаллий кузатувчи мақомини тушунтириб беринг.
2. Маҳаллий кузатувчилар ва ваколатли вакилларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳуқуқий асосларини айтиб беринг.
3. Қайси субъектлар маҳаллий кузатувчиликка вакиллар юбориши мумкин?
4. Маҳаллий кузатувчи бўлиш учун вакиллар неча ёшга тўлган бўлиши лозим?
5. Маҳаллий кузатувчилар бўйича округ сайлов комиссияларига сайловга камида неча кун қолгунга қадар мурожаат қилиши мумкин?
6. Маҳаллий кузатувчиларни қайси комиссия рўйхатга олади.
7. Маҳаллий кузатувчилар ҳуқуқлари нималардан иборат?
8. Маҳаллий кузатувчиларнинг мажбуриятларини айтиб беринг.
9. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакилига нималар ман қилинган?
10. Оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳуқуқларини айтиб беринг.